

## ТАЪЛИМНИНГ МОБИЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

**Шадиев Ризамат Давранович**

Қарши давлат университети “Бошланғич таълим”

кафедраси мудири

E-mail: [r.d.07@mail.ru](mailto:r.d.07@mail.ru)

**Жўраева Наргиза Олтинбоевна**

Бухоро давлат университети таянч докторанти

<https://orcid.org/0000-0002-3139-2217>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги мобиллашув шароитида талабаларнинг мутақил таълими ташкил этишда мобил иловаларидан фойдаланиш ва унинг имкониятлари ҳақида қисқача баён этилган.

**Калит сўзлар:** мобиллашув, мобил илова, талаба, мустақил таълим, сифат

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида глобал ахборотлашув замонавий жамиятга хос хусусият таълим тизимининг ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунга кўра, таълим сифатини ошириш халқаро рақобатбардошликни таъминлаш, миллӣликни сақлаган ҳолда ривожланган давлатлар таълим тизимини, жумладан Болонья декларациясини атрофлича таҳлил қилиш орқали халқаро таълим тизимига босқичма-босқич кириб бориш, таълимда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш негизида халқаро таълим стандартларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, илм- фан, техника ва технологияларнинг тезкор ривожланиши таълим мазмунига ҳам изчил равишда ўзгартиришлар киритиш борасида “таълим ва тарбия тизимининг барча буғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштириш” устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Жумладан, Ўзбекистан Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналишлари буйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” вазифаларини амалга оширишда олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини оширишда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш долзарб ҳисобланади.

Халқаро педагогик тажрибаларга шуни кўрасатадики, мустақил таълимни ташкил этишда мобил иловаларидан фойдаланиш талабаларда, тезкорлик, шиддатли ўзгаришларга қисқа муддатларда самарали мослашиш, билимларни фаол сингдириш, янгиликлар билан изчил танишиб бориш имкониятларини оширишга хизмат қилади. Натижада, бўлажак мутахассисларда таълимий мақсадлар - ўқув-билиш фаолиятини ривожланиши (developing learning activity), малакали мутахассис сифатида шаклланиш (forming as a qualified specialist), касбий усишга эришиш (achieving professional advancement), талабаларда ҳаётий ва касбий фаолиятни ташкил этиш учун зарур маълумотларни изчил, узлуксиз, мақсадли, тизимли ўзлаштириш, уларнинг мақсадли шаклланишларига эришишда муҳим аҳамият кас этади.

Олиб борилган илмий-изланишлар натижасида тадқиқот олдиға вазифа сифатида қуйидагилар қўйилди:

- таълимнинг мобиллашуви шароитида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишнинг назарий-методологик ва амалий-методик мазмунини ёритиш;

- таълимнинг мобиллашуви шароитида мустақил таълимнинг мобил иловалар ёрдамида ташкил этиш тузилмасини ишлаб чиқиш;

- таълимнинг мобиллашуви шароитида мустақил таълимни мобил иловалар ёрдамида ташкил этишни талабалар ўқув-билув фаолиятига жорий этиш;

- таълимнинг мобиллашуви шароитида мобил иловалар ёрдамида мустақил таълимни ташкил этиш натижасида ўқув-билув фаолиятининг ривожланганлик даражасини баҳоловчи мезонларни такомиллаштириш ва амалиётга жорий этишни таъминлаш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Олиб борилган изланишлар натижаси ўлароқ талабалар мустақил таълимни мобил иловалар ёрдамида ташкил этиш орқали “Ахборот-коммуникацион технологиялари” (Агробизнес ва инновацион фаолият) йуналиши талабалари мустақил таълим олиш фаолиятини такомиллаштиришнинг моҳияти, педагогик имкониятлари, назарий-методик ва ташкилий асослари ва олий таълим муассасаларида бўлажак мутахасисларни тайёрлашни такомиллаштиришнинг самаралп имкониятлари, шакллари, методлари яратилганлиги билан белгиланади.

Мустақил таълимни мобил иловалардан фойдаланиб ташкил этиш талабаларнинг юқори натижаларини ва мустақил таълимга бўлган қизиқишларини ошишига олиб келганини қўришимиз мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар: (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон. “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 29-октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони.

3. Зиёмуҳаммадов Б., Тожиев М. Педагогик технология – замонавий ўзбек миллий модели. – Т.: Lider Press, 2009. –132 б

4. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг назарияси ва методикаси. Монография. Т.: «Фан», 2009.

5. Организация самостоятельной работы студентов по педагогическим дисциплинам [Текст]: учебно-методический комплекс; под. ред. проф., чл. кор. РАО А. П. Тряпиценой. – Ч. 1. – СПб. : Изд-во РГПУ им. А. И. Герцена, 2009. – 123 с.

